

«Гулнора» исмини баъзи отинойилар «ўзгартириш керак» деб айтишади.

14:55 / 26.04.2016 4388

«Гулнора» исмини баъзи отинойилар «ўзгартириш керак» деб айтишади. Чунки у «дўзах гули» деган маънога эга эмиш. Лекин мен лу`атда ўқиганимда бу форсча «анор гули» деган маънога эга деб ёзилганди. Энди Гулнора исмини ўзгартириш керакми?

Минг афсуслар бўлсинким баъзи-бир отинойиларимиздан мана шу гап чиққани ҳақиқат. Бу савол келгунича бир неча марта ана шу маънода гаплар бўлганида, тушунмовчилик оқибатида айтилганлиги учун кишиларнинг ажабланишлари бўлган эди. Ҳақиқатан бу яъни «Гулнора» деган исм «дўзах гули» дейиши нотўғри. Араб тилида "гул" деган исм ёки сўз йўқ, "нар" дўзоҳ, олов сўзини англатади. Лекин ана шу савол берувчи муҳтарамнинг луғатда ўқиганлари ва форсча сўз бўлиб, «Гулнора» нинг маъноси «анор гули» дегани тўғрилиги, ана шу эътибордан бу исмни ўзгартириш керак эмас. Юқорида баъзи отинойилар айтган маъно мутлақо тўғри эмалигини айтиб ўтишимиз керак.